



## ARTICLE INFO

Received: 13<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 21<sup>th</sup> December 2022

Online: 22<sup>th</sup> December 2022

## KEY WORDS

Инфратузилма, ўзбекона  
яшаш тарзи, замонавий  
туризм, археологик  
ёдгорликлар.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш, ҳудуднинг ноёб тарихий-маданий ва меъморий обидалари билан туристларни кенг таништириш, замонавий туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш ва кўрсатилаётган туризм хизматлари сифатини такомиллаштириш, ички туризмни фаоллаштириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадлари ўсишини рағбатлантириш борасида қилинаётган ишларни ёритиш.

**Тадқиқот методлари:** Илмий ишда таҳлил ва синтез усулларидан фойдаланилган.

Сайёҳлик яъни туризм соҳаси дунё иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан биридир. Унинг кенг қамровли тараққиёти эса, кўплаб мамлакатлар учун катта даромад манбаига айланиб бормоқда. Юртимизнинг сайёҳлик масканларидан бири бўлмиш Сурхондарё ўзининг бой туристик салоҳияти билан

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ СУРХОНДАРЁ МИСОЛИДА

Узманов Ихтиёр Ибрагим ўғли

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
Иқтисодиёт факултети Иқтисод таълим йўналиши 2-курс  
Магистратура

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7472191>

## ABSTRACT

*Мақола Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳияти, шароити, имкониятлари ва инфратузилмалар билан таъминланганлиги ҳақида маълумотлар билан ёритилган.*

Ўзбекистонда археологик, маданий, тарихий ва экотуризмга бой ҳудудлардан бири ҳисобланади. Тарихи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган турли даврларга оид археологик ёдгорликлар, аждодларимизнинг юсак дид ва маҳорати билан барпо этилган муқаддас мақбаралар маҳаллий ва хорижлик меҳмонларга бой таъсурот улашади. Гўзал ва мафтункор табиат манзаралари, мўжизакор шифобахш булоқ сувлари барчани мафтун этади. Агро, экстремал, гастрономик туризм йўналишларига сероб воҳа саналади. Вилоятнинг туризм салоҳияти юқори бўлган Бойсун, Сариосиё, Шеробод ва Олтинсой туманларидаги сўлим табиат ва тоғ ён бағирларида тегишли белгилар ўрнатган ҳолда кемпинг учун жойлар ташкил қилиниб, маҳаллий туристлар учун зарур қулайликлар яратилади. Жарқўрғон туманидаги «Хунармандлар маркази»да янги «Сурхонча миллий либослари галереяси» ташкил этилди. Қадимий ва ҳамиша навқирон воҳанинг туристик



жозибадорлигини янада оширишга қаратилган бу ишлар миллий иқтисодиётимизни янада юксалтириб, дунё сайёҳларига бой ўтмишимиз, маданиятимиз, санъатимиз ва миллий қадриятларимизни, мафтункор табиатимизни кенг тараннум этишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Шу йилнинг ўзида 185,2 млрд.сўм маблағ ўзлаштириш эвазига 70 та лойиҳа амалга оширилиши, хусусан: экологик ва экзотик туризм соҳасини, яъни кичик туризм зоналари тоғ кластерларини ташкил қилиш объектларини 3 тага; гастрономик туризм йўналиши объектларини 40 тага; 25 та туристик маршрутларини 69 тага; 5 та туроператорлик фаолияти субъектларини 15 тага; туристик транспорт воситаларини 15 тага; мавжуд 30 та жойлаштириш воситаларини 52 та меҳмонхонага ва 63 та меҳмон уйларига ошириш орқали, ундаги ўринлар сонини 2500 тага йетказиш ва 90 % га ошиши кўзда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 май кундаги 324-сонли қарори билан Бойсун туманида Омонхона қишлоғи, Зовбоши тоғли худуди, Дарбанд қишлоғи худудларини ўз ичига олган – Бойсун кичик туризм зонаси; Сариосиё ва Узун туманларида Хонжиза тоғ тизмалари ён бағриларида ҳамда Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи худудларида – Сариосиё кичик туризм зонасини; Шеробод тумани Шалқон қишлоғи, Хўжаикон туз ғори худудларида ҳамда мевали боғларни ўз ичига олган – Шеробод кичик туризм зонасини ташкил этиш ҳамда уларда замонвий меҳмонхона мажмуаларини, маданий соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туризм аҳамиятига эга

бўлган бошқа объектлар қуриш, шунингдек замонвий муҳандислик инфратузилмаси объектларини ташкил этиш белгиланган. Сурхондаёда санъат саройи, археология музейи, вилоят кўғирчоқ театри, зиёратгоҳлар, Буддавийлик иншоотлари, Православ черкови, сўлим гўшалар, Сангардак шаршараси, Зовбоши маскани, Хўжамоёхона, Омонхона, Хўжаикон тузғори каби маданий масканлар мавжуд. Карантин шароитида кўрилган зарур чора-тадбирлар Сурхондарёда туризм соҳасини қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлди. Президентимизнинг 2020 йил 28 майдаги "Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони глобал инқироз шароитида бу борадаги ишлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилди. Мазкур ҳужжат билан берилган имтиёзлар туризм йўналишида хизмат кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларида инқирозни юмшатишда ўз самараларини берди. Сурхондарё воҳаси дунё сивилизацияси ўчоқларидан бири сифатида умуминсоний маданият тамаддунига қўшган ҳиссаси билан машҳур. Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилинди. Ҳужжатга кўра, Сурхондарё вилоятида 3та кичик туризм зонаси ташкил этилади. Бу ҳақда Адлия вазирлигининг "Ҳуқуқий ахборот" каналида хабар берилган. Шунингдек, Бойсун туманида Омонхона қишлоғи, Зовбоши тоғли худуди, Дарбанд қишлоғи худудларини ўз ичига



олган — Бойсун кичик туризм зонаси; Сариосиё ва Узун туманларида Хонжица тоғ тизмалари ён бағирларида ҳамда Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи худудларида — Сариосиё кичик туризм зонасини; Шеробод тумани Шалқон қишлоғи, Хўжайкон туз кони худудларида ҳамда худуддаги мевали боғларни ўз ичига олган — Шеробод кичик туризм зонасини ташкил этилади. Маълум қилинишича, уларда замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туризм аҳамиятига эга бўлган бошқа объектлар қурилади. Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш учун 374 тарихий, маданий, санъат, меъморий обидалар, ноёб археологик қазилмалар мавжуд. Вилоятнинг табиий сўлим гўшалари, мафтункор шаршаралари, маъданли сув ва шифобахш тоғ тузлари агро-еко, тоғ ва тиббиёт туризмни кенг йўлга қўйишга қулай имконият яратади. Қадимий бу юртнинг ўзига хос урф-одат ва анъаналари, миллий хунармандчилик буюмлари ҳам дунё аҳлида катта қизиқиш уйғотиб келади. Вилоятдаги бой тарихга эга қадамжолар, муқаддас зиёратгоҳлар худудда зиёрат туризмни жорий этиб, нафақат маҳаллий балки, хорижлик сайёҳлар оқимини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, ҳозиргача вилоятнинг бу борадаги салоҳиятидан самарали фойдаланишга эътиборсизлик билан ёндашиб келинаётган еди. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида ишлаб

чиқилган зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” бу борадаги ишларни янги босқичда руёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси автобусларнинг мунтазам қатнови йўлга қўйилиши тўғрисида туроператорлар, меҳмонхоналар, гидлар ва бошқа туризм соҳаси вакиллари ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб борилишини таъминлаётгани Сурхондарё туризми ривожланаётганига яна бир яққол далилдир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Бойсун туманидаги Омонхона қишлоғи, Зовбоши тоғли худуди, Дарбанд қишлоғи худудларини ўз ичига олган — Бойсун кичик туризм зонасига инвесторларни жалб қилган ҳолда, туризм инфратузилмасини барпо этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чораларини кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси автобусларнинг мунтазам қатнови йўлга қўйилиши тўғрисида туроператорлар, меҳмонхоналар, гидлар ва бошқа туризм соҳаси вакиллари ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб борилишини таъминлаш режалари тузилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Екология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда Сурхондарё вилоятидаги Сурхон давлат қўриқхонаси худудида туризмни ривожлантириш мақсадида ушбу



худудда жойлашган “Зарауцой қоятош суръатлари” туризм намоиши объектларини қўриқхонанинг қўриқланма зонасига чиқариш юзасидан таклиф киритган ва ижроси кутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда Зарауцой қоятошларидаги битикларни сақлаб қолиш ва ёш авлодга кенг таништириш мақсадида Зарауцой тарихи ҳақида чоп этилган китобларни саралаш ва янгидан чоп этилишини ташкиллаштирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида мақолалар ва тематик кўрсатувларни ташкил этиш тавсия этилишга боғлиқ амалий ишлар қилинмоқда. “Хунарманд” уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда вилоятда эсдалик совға маҳсулотларининг турларини диверсификация қилиш, хусусан тарихий-маданий ва археология, ислом зиёрати, экология, буддизм объектлари, гастрономик ва бошқа туризм турларини акс эттирувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилишини учун ва бу соҳани ривожлантириш учун хунармандлар мактабини ривожлантирига Давлат томонидан субсидиялар ва имтиёзлар ажратилди. Шу йилларда мамлакат миллий

иқтисодиётининг стратегик тармоқларидан бири сифатида туризмни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни изчил амалга оширилмоқда, бу эса унинг тез ривожланиши, янги иш ўринларини яратиш, даромадларни ошириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш, шунингдек, инвестицион жозибadorлигини оширишга қаратилган. Туризм қишлоқларида меҳмон уйлари, овқатланиш ва савдо шохобчалари, кўнгилочар жойлар ташкил этган тадбиркорлар уч йил давомида айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқни бир фоиз ставкада, мол-мулк, ер, сув солиқларини ҳисобланган суммадан бор йўғи бир фоизини тўлайди. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ушбу қишлоқларда меҳмон уйлари ташкил этишга эллик миллион сўмгача, ўтов лагерлари ва эко-уйлар мажмуасига уч юз миллион сўмгача, чодирли лагерлар қуришга уч юз миллион сўмгача кредитлар берилади. Мисол учун, Чироқчидаги Тарағай ва Лангар қишлоқлари аҳолиси камида юзтадан меҳмон уйлари ташкил этиш ташаббусини билдирган, ҳар йили туризм қишлоқларининг икки юз нафар ёшлари бюджет ҳисобидан туризм техникумларида бепул ўқитилади. Бир юзи ўттиз бешта ихтисослашган маҳаллада икки ярим мингта лойиҳа учун жорий йилда икки юзи эллик миллиард сўм ва эллик миллион доллар ажратилади. Меҳмон уйлари ташкил этиш учун юз миллиард сўм йўналтирилади. Бундан кўриниб турибдики, сайёҳлик соҳаси бугунги куннинг енг муҳим иқтисодий соҳаларидан бирига айланди. Шу боис



дунёнинг кўплаб давлатлари ушбу соҳани янада ривожлантириш, бу борада тегишли инфраструктурани жаҳон стандартлари даражасида яратиш ва сайёҳлар оқимини ошириш бўйича барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Аммо масаланинг иккинчи томони бор. Европаликларнинг аксарияти Ўзбекистон Афғонистон билан чегарадош мамлакат бўлгани боис саёҳат қилиш учун жуда хавфли ҳудуд, деб ҳисоблашади. Европа мамлакатларининг оммавий ахборот воситалари, хусусан, радио, телевидения, газета ва журналлар ҳамда интернет нашрларида Ўзбекистон ҳақида ва мамлакатдаги ҳар бир туризм йўналиши бўйича ихтисослашган ҳудудлар имкониятини яъни туристик маршрутлар ҳақида видеороликлар, суратлар ва қўшимча маълумот ёритилиб турилиши, сайёҳлар оқимини кўпайишини таъминлайди. Дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк саркарда ва давлат арбоби, соҳибқурон Амир Темур барпо этган қудратли Мавороуннаҳр салтанатининг довуғи ўрта асрларда бутун дунёга машҳур бўлган. Шундай экан, ўша салтанатнинг бугунги

замонавийлик касб этган кўрки ва тароватини янада кенгроқ тарғиб қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, хорижлик сайёҳларни янада кенгроқ жалб этиш бугунги куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланади. Ҳозиргача хорижий мамлакатларда Ўзбекистон ҳақида кўпроқ маълумотларни тарғибот қилишда оқсоқликка йўл қўйилмоқда. Хусусан, бугунги кунда юртимизга ташриф буюраётган аксарият сайёҳлар туризм фирмалари томонидан жалб этилмоқда. Европанинг деярли барча мамлакатларида Ўзбекистон ҳақида аҳолида йетарлича маълумот йўқ. Улар айнан турфирмалар орқали эшитиб, қизиқиш билдириб келишмоқда. Давлат раҳбарининг юртимизда барча соҳалар қаторида туризмга ҳам катта эътибор қаратиши бу соҳада кўзга ташланиб келинаётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш чораларини жадаллик билан амалга оширилишида дастуруламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Ўзбекистон йирик туризм салоҳиятига эга мамлакатлар қаторида ўз ўрни ва аҳамиятига эга экан, демак биз мавжуд имкониятлардан максимал даражада фойдаланишимиз керак.

## References:

1. Soliev, A.S. 2014. Uzbekistan Geography. Darslik.
2. Soliev, A.S., and Usmonov, M. 2005. Tourism Geography. Surkhandarya.
3. Sukhova, M.G., et al. 2018. Recreation and bioclimatic specifics of landscapes of the Central and South-Eastern Altai. Periodico Tche Quimica, 15 Special Issue 1: 537-547.
4. Topchy, D.V. 2018. Organisational and technological measures for converting industrial areas within existing urban construction environments. International Journal of Civil Engineering and Technology, 1975-1986.
5. Zhilavskaya, I.V., Onuchina, K.K., and Dubover, D.A. 2020. The design of depressed cities in the Far North and their image in media space after the implosion of the USSR. Visual Anthropology, 164-176. DOI:ht



6. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On Additional Measures for the Accelerated Development of Tourism in the Republic of Uzbekistan” dated January 5, 2019 N UP-5611.

7. Statistical Yearbook of the regions of Uzbekistan. 2018. The State Committee of the Republic of Uzbekistan on Statistics.